**Ушбу сонда:**
2 ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР
3 ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА
4 ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 10 июл, чоршанба №110 (1327)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ФАРҒОНА «БОРЖОМИ»

Фарғона туманидаги «Аввал» матлуботсавдо ҳиссадорлик жамиятида шифобахш «Боржоми» минерал суви ишлаб чиқарилмоқда.

«Боржоми» ошқозон-ичак йўллари, буйрак, ўтпуфак хасталикларини даволаш, модда алмашинувини яхшилаш, семириб кетишнинг олдини олиш хусусиятларига эга. Ҳозирда ҳар куни икки юз литрдан ортиқ «Аввал» тамғаси туширилган маҳсулот ишлаб чиқарилиб, пешма-пеш савдо тармоқларига жўнатилмоқда.

- Шу пайтгача салқин ичимликларнинг асосий қисмини Фарғона шаҳри ва Олтиариқ туманидаги ишлаб чиқариш тармоқларидан сотиб олардик,- дейди ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари М.Обидов. - Эндиликда бу борадаги ортиқча харажатлар, оворагарчиликлар барҳам топди. Айни кунда минерал сув ишлаб чиқариш ҳажмини икки-уч ҳисса ошириш борасида грузиялик мутахассислар билан ҳамкорлик қиляпмиз.

## *Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллигига*

***Чўлқуварлар ҳақида гап кетгудай бўлса, Ризали Ёқубовнинг номи биринчилардан бўлиб тилга олинади. Мана қирқ беш йилдирки, ота чўл қўйнида яшаб, меҳнат қилмоқда. Бугунги Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг чўл туманлари бундан роппа-роса 45 йил бурун «қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган» биёбон эди. Ризали ота айни пайтда оиласи билан умргузаронлик қилиб келаётган Мирзачўл туманидаги «Тошкент» хўжалиги ҳудуди бир вақтлар Фориш туманининг яйловзорлари бўлган. Чўлқувар шу ерда туғилиб ўсди. Ота касбини ихтиёр этиб, чўпонлик таёғини қўлига олди. Отахон ўтган йилларни хотирлаб, шундай деди:***

# ЧЎЛ ОДАМИ

### Лавҳа

— Бугунги чўлнинг қиёфасини кўриб, рости кўзларимга ишонмайман. Биз, 6 нафар киши шу ерда иш бошлаганимизда, шунчалик ўзгариб кетади, деб ўйламаган эдик. На ичимлик суви, на оқар сув, на бир гиёҳ бор эди. Инсон қўли гул экан. Канал қазиб, сув келтирилди. Паст-баландликлар текисланиб, 40-50 гектарлик экин майдонлари ҳосил қилдик. Ҳали-ҳали эсимда, биринчи плуг-омочни тракторга ўтириб, ўзим далага олиб чиқиб, биринчи пуштани олганман. Кейинчалик турар-жой бинолари, маданий-маиший объектлар қад ростлади. Шу хўжаликнинг биринчи касаба уюшма қўмитаси раиси ҳам бўлганман.

Ризали Ёқубов қатор йиллар механизатор, бригада етакчиси, бўлим бошқарувчиси вазифаларида самарали меҳнат қилди. Сўнгги йиллар «Тошкент» хўжалигида раҳбар лавозимида ҳам сидқидилдан ишлади. У кишининг бевосита саъй-ҳаракати билан хўжалик қўрғони таниб бўлмас даражада гуллаб-яшнади. Ҳозирда хўжаликда 5 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. 1 та ўзбек, 2 та қозоқ мактаби фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқ врачлик пункти ишлаб турибди. 2 та болалар боғчаси қурилган. Хўжалик ҳудудида меҳнаткашлар учун 30 та дала шийпони барпо қилинган.

Биринчи чўлқувар бугун оқсоқол. Етмиш ёшни қаршилаб қолган нуроний ҳали бардам. Ўлбозор ая билан 3 нафар қиз, 4 нафар ўғилни тарбиялаб, уйли-жойли қилган отахон фарзандларини ёнига олиб, «Бекзод» фермер хўжалигини ташкил этди. Биргина ўтган йили 5 миллион сўмдан зиёд даромад ҳисобига, «Газ-31» машинаси сотиб олди. Отахон саховатпеша инсонлардан. Ҳар йили хўжаликдаги кам таъминланган, ночор 10 та оилага 400-500 килодан буғдой, баҳоли-қудрат моддий кўмак бериб келмоқда. Мактаб, қишлоқ-врачлик пунктларини таъмирлаш ишларига ҳам ҳомийлик қилмоқда.

— Мустақиллик бизга кўп нарсаларни: динимизни, тилимизни, қадриятларимизни, урф-одатларимизни берди, - дейди отахон. — Ўзим қозоқ миллати вакилиман. Ўзбекистонда туғилдим, ўсдим. Турли лавозимларда ишладим. Кам бўлганим йўқ. Қани эди, ёш бўлиб қолсаму, истиқлолимизнинг янада гуллаб-яшнашига, озод ва обод Ватаним тараққиётига ўз ҳиссамни кўпроқ қўшган бўлардим.

Айни пайтда Ризали ота қишлоқ оқсоқоли, эл оғаси бўлиб, кўп хайрли ишларга бош-қош. Мирзачўл тумани Қозоғистон Республикасининг Еттисой тумани билан чегарадош. Жумладан «Тошкент» хўжалиги ҳам. Туманда Қозоқ миллий-маданий маркази ташкил этилган. Отахон марказ раиси ўринбосари. У кишининг бевосита ташаббуси билан қозоқ драма театри очилди.

Отахон тўй-маърака-ларнинг бошида. Катта-ю кичик, барча у кишини севиб, ардоқлаб, оғамиз дейишади. Тиниб-тинчимайди, дам далада, дам ҳамқишлоқлари орасида йўл созлашми, боғ яратишми, қўйингчи муқаддас ташвишлар оғушида юради.

**Бўрибой НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**







Ҳалол меҳнатнинг самарасини кўриш нақадар қувончли. Ургут туманидаги «Самарқанд» ширкат хўжалиги аъзолари буни ушбу барака йилида қалбдан ҳис қилмоқдалар. Ғалладан ҳар қачонгидан мўл ҳосил яратилди. Бебаҳо бойликни белгиланган муддатда саранжомлаб олишда моҳир комбайнчи Зиёдулла Умаровнинг (юқорида ўнгдан биринчи) ҳиссаси катта бўлди; қувончли натижаларда пешқадам хўжалик етакчи мутахассисларининг (ўртада) ҳам ўзига яраша улуши бор; техника ихлосманди Анваржон Шохиномов мавсум пешқадамларидан бири.

Пастдаги суратда эса Ургут туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Исмат Набиев фаоллар билан тарғибот-ташвиқот ишларини намунали ташкил этиш хусусида фикрлашмоқда.





**И.ҲАСАНОВ ва Ғ.ХИДИРОВ олган суратлар.**

## ДИПЛОМ ТОПШИРИЛДИ

Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жамил Файидга Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг фахрий доктори дипломи топширилди.

Тажрибали шарқшунос Жамил Файид арабшунос мутахассислар тайёрлаш борасида институт билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келади. У ўтган ўқув йилида институтнинг бакалавр ва магистр йўналишида таълим олаётган талабаларга араб тили ва адабиётидан маърузалар ўқиди. Шунингдек, институт талабалари ва мураббийларининг Мисрда таҳсил олиши ва малака оширишига кўмаклашиб келмоқда. Шу тариқа элчи Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги маданий-маърифий алоқаларни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшяпти.

Унвонни тасдиқловчи ҳужжатни институт ректори, Ўзбекистон Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши раиси Неъматулла Иброҳимов топширди.

## ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЗҒИН

Мамлакатимиздаги барча олий ва ўрта-махсус таълим муассасаларига абитуриентлардан ҳужжат қабул қилиш давом этмоқда. Етакчи илм даргоҳларидан бири - Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ҳам бу иш қизғин бораётир.

- Бу йил бакалавриат бўйича йигирма етти ва магистратурага тўқсон олти йўналишда жами 1760 нафар талаба қабул қилинади, - деди университет қабул комиссияси масъул котиби ўринбосари Т.Абдураҳмонов ЎзА мухбирига. - Шунингдек, янги очилган махсус сиртқи бўлимга касб таълими, география, информатика ва ахборот технологияси йўналишлари бўйича аризалар қабул қилинмоқда. Янги бўлимларга ушбу соҳага ихтисослашган коллеж ва техникумларни битирган педагог кадрлардан ҳужжат олинаётир.

Айни вақтда Миллий истиқлол ғояси: ҳуқуқ ва маънавият асослари йўналиши бўйича ҳам мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди.

**(ЎзА).**

***Ҳаво дим. Эндигина терак бўйи кўтарилган қуёш нурлари йўл четида тизилиб турган машиналар ойнасида шуълаланади. Тўп-тўп бўлиб турган ўн беш чоғли киши алланималар ҳақида суҳбатлашмоқда. Айримлари тердан билакларига чиппа ёпишаётган чарм папкаларини у қўлдан бу қўлга алмаштиради. Лабидаги сигаретини босиб-босиб тортаётган сўнгги йўловчи ўтиргач, машиналар карвони ўрнидан жилди. У Нукусдан Шимолга - Орол денгизига қараб йўл олди...***

# МЎЙНОҚҚА ОБИҲАЁТ КЕЛДИ

### ёхуд Оролбўйи аҳолисига умид улашаётган кишилар ҳақида

Биз, ўн беш журналист Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг Нукус бўлими сув муаммосини ҳал этиш мақсадида Оролбўйида амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш ниятида йўлга чиққанмиз.

Машинанинг ярим очиқ ойнасидан кираётган илиқ шабада танни яйратади. «Бугун кечагидан ҳам иссиқроқ бўладиёв?..», дейди кимдир. Жим келаётган йўловчилар сукунатни бузган кишига хайрихоҳлик билан қарашади. Яна суҳбат бошланади.

- Амударёга сув келгач, деҳқон ҳам ғимирлаб қолди,- дейди Сапарбой оға Салиев атрофни кузатаркан. - Қурғоқчилик одамларни толиқтириб қўйганди-да ўзиям. Сувнинг шаштига қаранглар...

Амударё устига қурилган янги кўприкдан ўтиб борарканмиз, қирғоқларга урилиб, шитоб билан Орол томон шошаётган сувни кўриб кайфиятимиз кўтарилди. Яқиндагина Юртбошимиз шу кўприк устида туриб, Қорақалпоқ диёрида яхши кунлар бўлажагига умид билдирганини эсладик.

- Юртбошимизнинг қадами қутлуғ бўлди,- дея суҳбатга қўшилади ҳайдовчи йигит ҳам. - Мўйноқ атрофидаги овулларда яшаётган кишиларнинг қувончини бир кўрсангиз эди. Кечагина ўша ёқдан қайтувдим.

- Амударёнинг суви Мўйноққача борибдими?! - ишонқирамай ҳайдовчига қарадим.

- Ҳа, Мўйноқ атрофидаги кўлларга сув тушяпти,- тасдиқлади у.

Карвонимиз катта асфальт йўлда илдам юриб, Хўжайли, Қонликўл ва Қўнғирот туманларидан ўтди. Текис йўлдан чапга қайрилиб, «Равшан» канали бўйлаб ўн беш чақиримча юрганимиздан сўнг қурилиш майдончасига дуч келдик. Бу ерда ҳар сонияда 55 кубометр сув ўтказиш қувватига эга гидроиншоот қурилаётган экан. Бизни истараси иссиқ, тўладан келган киши кутиб олди. У ҳар биримиз билан қўл олишгач, эсономон айтишдик.

- Бу киши Оспан Қаримсақов бўлади,- деб таништирди ҳамроҳимиз - Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг Нукус бўлими директори Уббиниёз Аширбеков. - Ўзингизни қизиқтирган нарсаларни ундан сўрайверасизлар. Ёшулли Судочье кўлини тиклаш бўйича халқаро лойиҳани амалга ошириш гуруҳининг раҳбари.

Журналистлигимизга бориб, биримиз қўйиб-биримиз О.Қаримсақовни саволга тутдик. Оға журналистларни кўравериб кўзи пишиб кетганми, ё табиатан гапга чечан одамми, ҳар қалай шошмасдан, босиқлик билан гап бошлади:

- Судочье кўли Устюрт тоғ тизмалари ёнбағрида 44 минг гектар майдонни эгаллаб ястаниб ётибди. Лойиҳамизнинг асосий мақсади ана шу ҳудудни сувга тўлдириб, кўлнинг асл ҳолатини тиклашдан, иқлим шароитини яхшилашдан иборат. Амударёдан келадиган тоза сув мана шу иншоот орқали кўлга қуйилиб, унинг сатҳини бир маромда сақлаш имконини беради. Шунингдек, сув таркиби минераллашувига йўл қўймай, унинг ҳаракатланишини таъминлайди. Бу ерда балиқчиликка қулай шароит яратилади. Ҳозир биз турган жойдан Судьоче кўлигача 29 чақирим юриш керак. Сув Устюрт коллектори орқали кўлга тушади. Кўлнинг нариги ёғида эса 37 километрли дамба кўтариляпти.

***(Давоми 3-бетда)***

## ЁШ МУТАХАССИС ҚАДАМИ

Навоий шаҳридаги қурилиш касб-ҳунар коллежида битирувчиларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди. Коллежда қурувчи, газ асбоблари чилангари, автомобилларни созловчи, ҳисобчи каби 10 га яқин касб бўйича мутахассис тайёрланади. Бу ерда таълим олаётган талабалар ўз мутахассисликларидан ташқари замонавий компьютер дастурларини ҳам пухта ўрганадилар.

Бу йил коллежни битирган 200 йигит-қиз Навоий кон- металлургия комбинати ҳамда Навоий қурилиш бошқармасига йўлланма олди.

**(ЎзА).**

## МАҲАЛЛИЙ БИЗНЕС АҲЛИ РОЗИ ЭМАС

МЕРКОСУР — минтақавий иқтисодий блокка кирувчи Жанубий Америка мамлакатлари президентлари юзага келган молиявий аҳволдан ташвишга тушиб, жаҳон ҳамжамиятига ёрдам беришни сўраб мурожаат қилди.

Аргентина пойтахтида ўтаётган йиғилиш чоғида ғарбий ярим шарнинг ушбу ҳудудида чиндан-да вазият чигаллашиб бораётгани, бу хусусан, Аргентина мисолида намоён бўлганлиги алоҳида қайд этиб ўтилди. Бу ҳол ўн йилдан бери давом этаётган бўлса-да, халқаро молиявий ёрдамдан дарак бўлмаётир. Улар томонидан қилинаётган даъват эса мазкур давлатларни қониқтирмайди. Чунки мамлакатда ёппасига хусусийлаштириш ўтказиш, охир оқибат, чет эллик хўжайинлар ҳукмронлигининг ўрнатилишини билдиради. Бунга маҳаллий бизнес аҳли асло рози бўлмайди.

# САЙЁРАМИЗ САДОСИ

## ҚОБУЛДА СУИҚАСД

Воқеаларнинг ривожи мамлакатда ҳали-бери осойишталик ўрнатилмаслигидан дарак бермоқда. Куни-кеча Қобулда Афғонистон вице-президентига суиқасд уюштирилди. Номаълум кимсалар томонидан амалга оширилган хунрезлик оқибатида жамоатчилик ишлари вазирлиги биноси олдида вице-президент Абдулла Қодир ва унинг ҳайдовчиси ҳаётдан кўз юмди.

Абдулла Қодир бундан бир ой муқаддам мамлакат оқсоқоллар кенгаши таклифи билан ушбу лавозимга тайинланган эди.

## ЛОРД-ХОУ ОРОЛИ ЯҚИНИДА

Британия Ҳарбий-Денгиз Флотига қарашли эсминец Лорд-Хоу ороли яқинида, Австралиянинг Сидней шаҳридан 360 километр нарида сув ости қоясига урилиб, қаттиқ шикастланди. Кема остида пайдо бўлган тешикдан кираётган сув ҳатто уни чўктириб юбориши мумкин.

Шунинг учун ён-атрофдан етиб келган кемалар ёрдамида эсминецни хавфсиз жойгача тортиб бориш чоралари кўрилмоқда.

## ДОВУЛ ДОҒДА ҚОЛДИРДИ

Петербург аҳолиси ҳар ёзда табиатнинг бундай «ҳазил»ини кўраверив пишиб кетишган. Муҳофаза чораларига қарамасдан ҳар сафар довул шимолликларни доғда қолдиради.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Кутилмаганда шаҳарга бостириб кирган довул натижасида икки киши ҳаётдан кўз юмди. 800 дан ортиқ дарахтлар ағдарилди ва унинг остида қолган ўнлаб автомобиллар қаттиқ шикастланди. 8 километр масофада электр симлари узилиб, яроқсиз ҳолга келди.

Синоптиклар довул яна қайтарилиши эҳтимолидан аҳолини огоҳлантирмоқдалар.

## ҚОРА СИЧҚОН

Ажабланманг, шунақаси ҳам бўлар экан. Ҳар ҳолда Даниянинг Рамтен шаҳарчасидаги бир уй ошхонасида қоп-қора жунли сичқон «қўлга олинди». Мутахассис-зоологлар текшириб, табиатнинг бу ноёб нусхаси ўзидан меланин моддасини ишлаб чиқаришини ва айнан шунинг натижасида у ўз наслдошларидан фарқли ўлароқ қора тусда эканлигини айтишмоқда.

## ЙИГИРМА ЙИЛДАН СЎНГ — 400 МИЛЛИОН

Азал-азалдан одамзот у ёки бу сабабга кўра қайси мамлакатда қанча аҳоли яшашига қизиқиб туради. Ер юзида у ёки бу миллат вакиллари қанча эканлиги ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмаслиги табиий. Араб аҳолишунослари ўз тадқиқотларидан келиб чиқиб, бир фикрни ўртага ташладилар: яқин йигирма йил ичида араб дунёси аҳолиси 280 миллиондан 400 миллионга қадар кўпайиши кутилмоқда.

Шу муносабат билан мутахассислар ташвиш ҳам билдирмоқдалар. Бошқача қилиб айтганда, бу ҳол турмуш фаровонлигига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Бинобарин, ҳозирнинг ўзидаёқ 65 фоиз аҳоли саводсиз, 10 миллион нафар бола мактабга бормайди. Ишсизлик эса 15 фоизни ташкил этади.

# ФИДОЙИ

Бошланғич ташкилотга кўп нарса боғлиқ. Айниқса, касаба уюшма етакчиси жонкуяр, фидойи бўлса жамоа эришаётган ютуқлар салмоғи сезиларли даражада юксалади. Бу борада Гулистон шаҳридаги «Гўзал» боғча-мактаб бошланғич касаба уюшма ташкилотида муайян тажриба тўпланган.

Жамоа аҳли чўрткесар, ушлаганни узадиган ўктам аёл Любов Бесчаснаяни иккинчи муддатга ҳам етакчиликка сайлашди. Негаки, ана шу фидойи аёлгина жамоатчилик асосидаги топшириқни виждонан бажаришга одатланган. Тўғри, сайлов вақтида бир қатор номзодлар кўрсатилганди. Бироқ, уларнинг аксарияти бу серташвиш ишдан ўзларини четга олишди. Ахир, ойликсиз ишлаш, боз устига жамоанинг энг оғир юкини гарданига олишни ҳар ким ҳам уддасидан чиқавермайди-да. Боғчани янги таснифга ўтказиш, тарбияланувчилар саводини чиқариш жараёнларидек мураккаб вазифаларни уддалашда Любов Михайловнанинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Бугун шаҳардаги энг намунали тарбия масканига айланган бу даргоҳда 380 нафар бола улғаймоқда. Уларга 67 нафар мураббий тарбия ва сабоқ беришмоқда.

Любов Михайловнани жамоанинг кўз-қулоғи дейишади. У болаларга берилаётган таомлардан тортиб, дарс сабоқларигача кузатишдан толмайди. Боз устига, болалар саломатлиги устидан чуқур назорат ўрнатишдек мураккаб вазифа ҳам унинг

## Касабақўм: бугун у қандай бўлиши керак?

гарданида. Энг муҳими, ҳар бир киши кўнглини топиш, ўрни келганда унга мадад қўлини чўзишни ҳам жойига қўйишга интилади.

Касабақўмнинг мўъжазгина хонаси ҳамиша гавжум. Бу ерда касаба уюшма йиғилишлари ўтказилади. Қарорлар қабул қилиниб, уларнинг ижроси муҳокамаси ўтказилади. Маъмурият ва касаба уюшма ташкилоти ўртасида тузилган меҳнат битими шартлари ижроси устидан қатъий назорат ўрнатилган. Ҳар бир топшириққа масъул шахслар бириктирилиб, ижро юзасидан ҳисоботлар тинглаб борилади.

— Йирик ташкилотлар уддасидан чиқолмаган ишларни биргина бошланғич ташкилотимиз бажараётгани бизни суюнтиради, - дейди таълим ва фан ходимлари шаҳар қўмитаси раиси Юсуф Мадалиев. — Жамоада ташкилот мавқеи баланд. Бу ҳам етакчимизнинг уқувли, ишбилармонлигидан.

Тарбия масканидаги ибратли ишлардан яна бири қўшимча маблағ топиб ёшлар таълим олаётган фанлар сонини оширишга эришилганлигидир. 3-4 ёшли болаларга инглиз тилидан қўшимча сабоқ бериш жорий этилди. Мутахассис маоши махсус ҳисобдан тўланмоқда. Шунингдек, компьютер билан жиҳозланган махсус синф ва хореография бўлимининг очилиши ҳам ёшлар заковатини оширишга хизмат қилмоқда.

— Ҳомийлар мададидан унумли фойдаланмоқдамиз. «Мадад» хусусий поликлиникаси, «Турон» банки ва бошқа бир қатор ташкилотлар тарбия муассасамизга беғараз кўмак кўрсатиб келмоқда, - дейди Л. Бесчасная. Бу маблағлардан самарали фойдаланишга интилаяпмиз. Ходимларимизнинг ҳар чоракда мукофот пули олиши одатга айланган. Кам таъминланган, кўп болали оилаларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келаяпмиз.

**Н.ШАМСИЕВ**
**«Ишонч» мухбири.**




Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги «Бўстон» масъулияти чекланган жамиятда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаб тобора ортиб бормоқда. Чунки ўз касбининг усталари томонидан тайёрланаётган кийим-кечаклар ўзининг бежиримлиги ва юқори сифатлилиги билан ажралиб туради.

***Суратларда: моҳир тикувчи Венера Рўзиева; корхона раҳбари О.Тоғаев ўз касбининг усталари Ш.Умарова ва Б.Собиров билан маҳсулот сифати хусусида фикрлашмоқда.***

**И.ҲАСАНОВ**
**олган суратлар.**

## КЕКСАЛАР МЕҲР ОҒУШИДА

Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорини бажариш бўйича Зомин туманида тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ёлғиз кексалар сони аниқланиб, тумандаги ҳар бир ташкилот, корхона, хўжалик ва муассасалар бириктириб қўйилди. Улар ёлғиз кексаларнинг иссиқ-совуғидан мунтазам хабардор бўлиб туришибди. Ўрни келганда уларга ҳар жиҳатдан кўмак беришмоқда.

Тумандаги ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлардан 42 нафарига ижтимоий таъминот бўлими томонидан ижтимоий хизмат кўрсатиляпти. Айни пайтда 53 нафар нафақахўр енгил автомашинаси учун имтиёзли бензин пули олаяпти. Шу йилнинг ўтган ойларида 1 нафар ёлғиз ногирон кексага «Семашко» сиҳатгоҳида даволаниши учун йўлланма берилди. Қариялар - Люба Ғайбуллаева, Эшпўлат Қоратоев Зомин тумани марказий касалхонасида даволаниб чиқдилар. 4 нафар ногиронга ногиронлик аравачаси олиб берилди.

42 нафар ёлғиз қария ва ногиронлар дори-дармон, табиий газ, ичимлик суви, электр энергиясидан бепул фойдаланишмоқда. 4 нафар қарияга 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари олиб бериш учун 46644 сўмлик маблағ сарфланди.

Туман марказида 10 ўринли «Меҳр-мурувват» маркази ташкил этилган. Бу ерда қарияларнинг ҳордиқ чиқаришлари ва даволанишлари учун барча шароитлар муҳа йё.

**Б.НОРИЕВ.**

# МЕҲНАТ ГИГИЕНАСИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САНИТАРИЯСИ

Шовот тумани давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ходимлари томонидан корхона ҳамда хўжаликларда меҳнат гигиенаси ва ишлаб чиқариш санитариясининг аҳволи ўрганилди. Бунинг натижасида жойларда бу борада кўплаб камчиликлар борлиги аён бўлди. Жумладан, «Дўстлик» ширкат хўжалигининг машина-трактор паркида амалдаги меъёрлар қўпол равишда бузилаётганлиги аниқланди. Иш жойи, асбоб-ускуналар, машина ва жиҳозлар ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди. Ишчилар ҳимоя кийим-кечаклари билан таъминланмаган. Уларга сут-қатиқ маҳсулотлари бериб борилмайди. Ходимларни соғломлаштириш, касб касалликларининг олдини олиш чора-тадбирлари амалда кўрилмаяпти. Зарур дори-дармонлар етишмайди.

Трактор паркида меҳнат физиологияси ва технологик талабларга тўлиқ амал қилинмаганлиги, иш жойларини тоза ва озода сақланмаганлиги учун устахона мудири Азимбой Одамбоевга 17 минг 150 сўм жарима солинди.

«Шовот қалъа» қишлоқ фуқаролар йиғини маҳаллаларида атроф-муҳитнинг ифлослиги, чиқиндилар ўз вақтида ташиб кетилмаганлиги, айрим ҳолларда хўжалик ҳудудидаги зовурга тўкилаётганлиги учун йиғин раиси Исмоил Пиржонов 19 минг 725 сўм жаримага тортилди.

Марказ мутахассислари «Давлат санитария назорати тўғри-

### Таҳлил

сида»ги Қонун талабларининг бажарилиши бўйича, корхоналар, ташкилот ва муассасаларда 300 дан ортиқ таҳлиллар ўтказдилар. Шундан 200 тасида оддий меъёрлар ҳам бузилаётганлиги аниқланди. Санитария-гигиена қоидаларини бузганлиги учун 168 нафар жавобгар шахсдан 1 миллион 680 минг 295 сўм жарима ундирилди.

«Шаҳзод» фирмасига қарашли озиқ-овқат дўконида маҳсулотларни сақлаш қоидалари бузилаяпти. Совутгичлар йўқлиги туфайли ноз-неъматлар фойдаланишга яроқсиз ҳолга келган. Эътиборсизлик фирма раҳбари Низомжон Бобожоновга қимматга тушди. У ҳам 19 минг 725 сўмлик жарима билан «сийланди». Нормат Жабборов мудирлик қилаётган хусусий дорихонада таъмирлаш ишлари вақтида ўтказилмаган. Кемирувчиларга қарши воситалар йўқ. Шунинг учун мудир Н.Жабборов ҳам жарима тўлайдиган бўлди.

Ҳозир ёзнинг иссиқ кунлари. Бундай шароитда аҳолига тоза ичимлик суви етказиб бериш керак. Бироқ, туман ичимлик суви таъминоти корхонасида истеъмолчиларга тарқатилаётган сувнинг сифати паст. Корхонанинг тозалаш иншоотлари хлорловчи воситалар билан таъминланмаган. Ўз ишига совуққонлик билан қараган ташкилот раҳбари Нуриддин Бекжоновга 39 минг 450 сўм жарима солинди.

Меҳнат ва дам олишнинг оқилона тартибини белгилаш, ишлаб чиқариш объектларини ёритиш, ҳавони заҳарли моддалардан тозалаш инсон соғлиғини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади. Аммо, «Ризқ» очиқ ҳиссадорлик жамиятининг чорвачилик мажмуасида юқоридагиларга амал қилинмаяпти.

— Ёзги соғломлаштириш мавсумининг бориши, оромгоҳларнинг санитария аҳволи назоратда турибди, - дейди давлат санитария эпидемиология назорати маркази бош врачи Қадамбой Эрнафасов. - Хусусан, тумандаги «Оби-ҳаёт», «Ниҳол», «Тонг», «Шифокор», «Ғунча», «Истиқбол» болалар оромгоҳлари кўздан кечирилиб, дам олишни ташкил этиш бўйича йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш тадбирлари белгиланди.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ОРОМГОҲ ҚАРОВСИЗ ҚОЛМАСИН

Иштихон туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси тармоқ ходимларини ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор қаратмоқда. Ишловчиларнинг иш ҳақи ва мукофот пуллари ўз вақтида тўлаб борилиши мунтазам йўлга қўйилди. Яқинда бу ерда 33 нафар қария билан ёшлар ўртасида бир пиёла чой устида давра суҳбати уюштирилиб, меҳнат фахрийларига касаба уюшма қўмитасининг эсдалик совғалари топширилди. Шуниси ҳарактерлики, туман касаба уюшма қўмитасига қарашли «Қувноқ» болалар оромгоҳи ҳар доимгидек намунали фаолият кўрсатаётир. Бу йил оромгоҳда 375 нафар болани дам олдириш режалаштирилган. Шу мақсадда 125 дона кўрпа-ёстиқ жилдлари йиғиндиси, дори-дармонлар олинди. Барча қулайликларга эга бўлган сўлим оромгоҳда ҳозир иккинчи навбатда 125 нафар бола ҳордиқ чиқармоқда.

— Ишимизда айрим муаммолар ҳам йўқ эмас,— дейди туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Нурилла Орипов. — «Ўзбекистон» ширкат хўжалигидаги бу оромгоҳда катта боғ яратилган. Турли-туман жиҳозлар мавжуд. Ёзги мавсум тугаши билан бу ерда иш тўхтайди. Тўғрироғи, қоровулдан бошқа ҳеч ким қолмайди. Қоровулнинг иши эса — қўриқлаш. Бино путурдан кетадими, гуллар, дарахтлар қовжирайдими, унинг иши эмас. Бунинг устига оромгоҳ директори ҳар йили қайтадан тайинланади. Бу ўз навбатида «мендан кетгунча» кайфиятини юзага келтиради.

Муддао шуки, оромгоҳ директори доимий тайинланиб, унинг йил давомида ижодкорлик билан шуғулланишига шароит яратилса, хўжаликка тегишли очиқ майдонларда сўлим маскан учун сабзавот, картошка етиштириш имконияти берилса, бу оромгоҳ фаолиятини ҳар томонлама яхшилаш имконини берган бўларди.

**Ялғош САРИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ГИППОКРАТ ҚАСАМИГА ХИЁНАТ

Биз оқ халатли кишиларни жонга-жон шифокорлар, дея эъзозлаймиз. Чиндан ҳам бу фидойи инсонлар ҳар қанча ҳурматга лойиқдирлар. Зеро, касб-корига садоқатли шифокорлар ҳаётда жуда кўп. Бироқ, Сариосиё тумани Сил касалликлар диспансерининг бош ҳакими Орол Қорахонов ҳақида нима дейишга ҳам ҳайрон бўласан, киши. У бир вақтлар эл саломатлиги йўлида сидқидил меҳнат қилди. Ҳамкасбларининг ҳурмат-эътиборини қозонди. Иқтидори, изланувчанлиги учун таъкидланган диспансерга раҳбар этиб тайинланди. Инсоннинг кимлиги у мансаб курсисига ўтиргандан сўнг яққолроқ намоён бўларкан.

О.Қорахонов тез орада кибр-ҳавога берилди. Гиппократ қасамини унутиб, ножўя ишларни кўзлай бошлади. Нима қилиб бўлса ҳам, мансабидан фойдаланиб, мўмай пул топиш пайига тушди. Шундай хаёллар оғушида юрганида Охунбобоев номли ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи Назир Наимов деган шахс бош шифокорни йўқлаб қолди.

— Хўш ука, хизмат, — деди шифокор унга синчков назар ташларкан.

— Ёшлигимизда ғўрлик қилиб, бирор касбнинг этагини тутмабмиз, — дея тўғридан-тўғри мақсадга кўчди мижоз. — Шу денг, бирор касаллик бўйича ногиронга чиқарсангиз, тўрт-беш сўм ҳарна давлатдан ёрдам бўларди-да.

Мижоз бош шифокорнинг синчков назарини тушунди.

— Машинам бор, хизматингизда бўламан.

Бош ҳаким ўйлаб қараса керакли гап айтаяпти. Рози бўлди. Эртасигаёқ диспансер врачлар маслаҳат комиссияси аъзолари М.Муродов ва Б.Нарзуллаевлар номидан амбулатория карталарига сохта имзо чекиб, соппа-соғ Н.Наимовга ажабтовур ташхис қўйиб юборди. Ҳужжатлар вилоят тиббий меҳнат комиссиясига тақдим этилди. Бу ердагилар ҳам бош ҳакимнинг сазаси ўлмасин дея у-буни сезишса-да, ташхисни маъқуллашди. Натижада фуқаро Н.Наимов муайян вақт ичида Сариосиё тумани ижтимоий таъминот бўлимидан II гуруҳ ногиронлиги учун 213.000 минг сўм пулни уялмай-нетмай қуртдек санаб олди.

Кўза кунда эмас, кунида синади, деганлари рост экан. Сир фош бўлди. Гиппократ қасамига хиёнат қилган, нафс йўлига кирган бош ҳаким ва учар йигит Н.Наимовларнинг миси чиқди. Улар қонун олдида жавоб бермоқдалар.

**Э.МЕЛАНОВ,**
**Сариосиё тумани прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси.**

# ЁҚИЛҒИНИ ЎЗ ФОЙДАСИГА ТЕЖАГАНЛАР

Транспорт воситаси ҳаракатини ёқилғисиз тасаввур этиш қийин. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг нефт ва нефт маҳсулотларига ёлчидик. Ҳозирда республикамиз ҳудудида нефтни қайта ишлаш ва унинг доимийлигини таъминлаш йўлида йирик лойиҳалар изчил амалга ошириляпти.

Бахтга қарши, айрим жойларда ёқилғини ўз фойдасига тежаш ҳамда сунъий танқисликни юзага келтиришга интилаётган кимсалар ҳам учраб турибди. Ургут туманидаги ёқилғи қуйиш шохобчалари фаолиятига бир назар ташлайлик.

### Қонун барчага баробар

«Шаҳбоз-АР» хусусий фирмасига қарашли 13-сонли АЁҚШ оператори Х.Раисаметов харидорга 40 литр бензин сотиб, ундан қўшимча ҳақ олган. Солиқчилар томонидан ёқилғи қайтадан текширилганда жами 630 сўм ошиқча ҳақ уриб қолганлиги маълум бўлди. Боз устига, назорат касса машинасига чек урмаган.

«Эрназар бобо» хусусий фирмасига қарашли 23-сонли АЁҚШда ҳам оператор Н.Набиев харидорга хизмат кўрсатиш жараёнида ғирромликка йўл қўйган. Шохобча хазинаси текширилганда 332,9 минг сўм камомад борлиги аниқланди ва фирма ҳисоб рақамига 245.0 минг сўм молиявий жарима қўлланилди. Иккала ҳолат юзасидан материаллар чора кўриш учун солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларига қарши курашиш вилоят бошқармасига юборилди.

Булунғур нефт базасига қарашли 22-АЁҚШ сотувчиси харидорга хизмат кўрсата туриб, унга назорат касса машинаси чекини бермаган. Энг ачинарлиси, шохобчада ўрнатилган назорат касса аппарати туман давлат солиқ инспекциясида қайд этилмаган. Боз устига 1999 йилнинг март ойидан 2001 йилнинг феврал ойига қадар 687 миллион 897 минг сўмлик нақд пул савдоси амалга оширилиб, белгиланган тартибда назорат касса машинасидан ўтказилмаган. Эътибор беринг: қатор қонунбузилишлардан сўнг ҳам 22-АЁҚШ маъмурияти тўғри хулоса чиқармасдан, яна кўп ўтмай бундан-да хунукроқ ҳолатни содир этган. Яъни худди шу ерда жорий йилнинг январ ойида туман солиқчилари томонидан қисқа муддатли текширув давомида оператор Ҳ.Ғаффоров 20 литр бензин сотиб, касса машинасини ишлатмаган. Боз устига харидор ҳақидан уриб қолган. Назорат касса машинаси мутахассис ёрдамида текширилганда унинг фискал хотирасида 7300.0 минг сўм фарқ борлиги маълум бўлди. Табиийки, Ҳ.Ғаффоровга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Биз, журналистлар ёқилғи қуйиш шохобчаларидаги баъзи учарлар, эгриқўл кишилар ҳақида вақти-вақти билан мақолалар бериб бормоқдамиз. Бироқ, дилни хира қиладиган юқоридаги камчиликлар яна ва яна такрорланаётганлиги кишини ажаблантиради. Наҳотки, ноқонуний ҳатти-ҳаракат, бировнинг ҳақига кўз олайтириш гуноҳи азим эканлигини ва у кимлар учундир қимматга тушишини ҳануз тушуниб етишмаётган бўлишса...

**Д.ЖОЗИЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# МОЛ ЎҒРИСИ

Ярим кеча. Қишлоқ аҳли ширин уйқуда. Ён-атрофга чўккан сукунатни бевақт қичқирган хўрозларнинг товуши бузиб турарди. Шу пайт дарахтлар орасидан шарпалар кўринди. Шум ниятли кимсалар мўлжалдаги уйни синчковлик билан кўздан кечиришди. Ҳамма ёқ хотиржам эканлигига ишонч ҳосил қилишгач, девор ошиб, молхона сари юришди.

Эгри ишнинг ҳадисини олган ҳамтовоқлар чапдастлик билан бўрдоқига боқилган икки молнинг бўйнига арқон ташлаб, ҳовлидан тинчгина чиқиб олишди. Энди ҳар дам ғанимат эди. Ўғирланган новвосларни сув ёқалаб ҳайдашди. Эрта тонгда Қўшкўпир туманидаги Охунбобоев номли фермерлар уюшмаси 10-бўлимида яшовчи Р.Нурметов бошлиқ хонадон аъзолари воқеадан огоҳ бўлгач, ташвишга тушдилар. Милицияга хабар берилгач, тезкор гуруҳ жиноятчилар изига тушди. Мол ўғрилари қанчалик усталик қилишмасин, охир-оқибат қўлга тушдилар.

Қизиғи шундаки, қинғир ишга қўл урган Н.Холлиев ва О.Раҳмонов ёшлик қилиб, қаттиқ янглишганликларини қайта-қайта таъкидлашар, гуноҳларидан ўтишларини сўраб, илтижо қилишарди. Нобакорлар оила аъзоларининг ҳам юзини ерга қаратишди. Қанчалик ёниб-куюшмасин, жиноятлари учун қонун олдида жавоб беришлари шарт. Фақат эсиз умр, эсиз ёшлик, дейсан ачиниб.

Биз хизмат бурчини ўташ чоғида жуда кўп одамлар билан мулоқотда бўламиз. Шундайлар борки, кўзбўямачиликда устаси фаранг. Ўрни келса юлдузни бенарвон ураман, дейди. Шовотлик Ғ.Машариповнинг қилмишлари сира кўз ўнгимдан кетмайди. Қаранг, бу кимса таниши З.исмли қизнинг сирини билиб олиб, айтганимни қилмасанг, ота-онангга ва бўлажак қайлиғингга ҳаммасини айтиб бераман, дея товламачилик қилади. Охир-оқибат қиз бечорадан 15 минг сўм пулни юлиб олади. Яхши одамлар унинг ярамас ишларидан воқиф бўлиб, тегишли жойга қўнғироқ қилишган. Маълум бўлишича, «сир»ли гап-сўзларнинг ҳаммаси пуч бўлиб чиқди. Ғирромлик йўлини тутган Ғ.Машарипов эса кўпчилик ўртасида изза бўлди.

Бу ёруғ жаҳонда инсондан азизи йўқ. Ҳаёт яшаш учун бир марта берилар экан, уни пок виждон, мустаҳкам иймон билан яшаб ўтганга нима етсин. Афсуски, буни ҳамма ҳам бирдек тушунавермас экан.

**Ҳ.БЕКЧОНОВ,**
**Шовот тумани ИИБ терговчиси, милиция катта лейтенанти.**

## Саволларингизга мутахассис Йўлдош ТУРСУНОВ жавоб беради

**ЁШГА ДОИР ПЕНСИЯНИ ҚАЙТА ҲИСОБЛАШ ЗАРУРАТИ ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛАДИ?**

Бундай зарурат қуйидаги ҳолларда юзага келиши мумкин:

— пенсионер пенсия миқдорига таъсир этиши мумкин бўлган қўшимча ҳужжатларни тақдим этганида (масалан, қўшимча иш стажи, иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилиши, пенсионерни орден ва медаллар билан мукофатланиши ва бошқалар);

— энг кам ойлик иш ҳақи миқдорлари ўзгарган ҳолда;

— минтақавий коэффициент жорий этилган ёки бекор қилинганда;

— даромадлар ҳукумат томонидан индексация қилинганида;

— суднинг қарори билан белгилангани ҳолда иш стажи, иш ҳақи миқдори ҳақида сохта маълумотлар тақдим этилгани аниқланганда;

— қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Пенсионер пенсияни қайта ҳисоблаш ҳуқуқи пайдо бўлган пайтдан бошлаб исталган пайтда пенсия миқдорини қайта ҳисоблашларини сўраб, мурожаат қилишга ҳақли бўлади.

**МИНТАҚАВИЙ КОЭФФИЦИЕНТ ЎЗГАРГАНИДА ПЕНСИЯНИ ҚАЙТА ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ**

Минтақавий коэффициент белгиланган (бекор қилинган) ёки унинг миқдори ўзгарганда, шунингдек, пенсионер доимий яшаш учун коэффиентлар белгиланмаган ёки бошқача миқдорда белгиланган ҳудудга кўчиб ўтганида пенсия энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб, янги минтақавий коэффициентни инобатга олган ҳолда қайта ҳисобланади.

**ТАЙИНЛАНГАН ПЕНСИЯНИ ҚАЙТА ҲИСОБЛАШ ҚАНДАЙ МУДДАТЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?**

Пенсияни ошириш ҳуқуқи пайдо бўлганида тайинланган пенсияни қайта ҳисоблаш пенсионер пенсияни қайта ҳисоблаш учун мурожаат этган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб амалга оширилади.

Пенсия миқдорини камайтиришга сабаб бўладиган ҳолатлар вужудга келган тақдирда қайта ҳисоблаш ана шу ҳолатлар пайдо бўлган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб амалга оширилади.

**ИШЛАМАЙДИГАН ПЕНСИОНЕРЛАРГА ЁШГА ДОИР ПЕНСИЯ ҚАНДАЙ ТАРТИБДА ТЎЛАНАДИ?**

Ишламайдиган пенсионерларга пенсияни улар истиқомат қилиб турган жойдаги ижтимоий таъминот органлари тўлайди.

Ижтимоий таъминот бўлимларининг топшириқномаларига кўра, алоқа бўлимлари, тижорат жамғарма банклари бўлимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1995 йил 30 августда 165-тартиб рақами билан рўйхатга олинган пенсия ва нафақаларни тўлашга доир қўлланмада белгилаб қўйилган тартибда пенсиялар тўланади.

Пенсия ва нафақаларни тўлаш тўлов ҳужжатларида кўрсатилган қатъий белгиланган муддатларда амалга оширилади. Пенсияни ҳар ойда тўлашнинг аниқ муддати пенсионерга биринчи тўлаш пайтида маълум қилинади.

**ПЕНСИОНЕР БОШҚА ҲУДУДГА КЎЧИБ ЎТГАНИДА ПЕНСИЯ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ХУСУСИДА**

Пенсия ёки нафақа олувчи бошқа алоқа бўлими хизмат қиладиган янги тураржойга кўчиб ўтган ҳолларда ижтимоий таъминот бўлими эски тураржойи алоқа бўлимига П-3-шаклини жўнатади, шунингдек, белгиланган тартибда топшириқнома тузиб, яшаш жойидаги алоқа бўлимига юборади.

**АГАР ПЕНСИЯ ОЛУВЧИ ИМЗО ҚЎЯ ОЛМАСА, У ҲОЛДА ПЕНСИЯ ҚАНДАЙ ТАРТИБДА ТЎЛАНАДИ?**

Агар пенсия ёки нафақа пулини олувчи имзо қўя олмаса (саводсиз, саломатлик ҳолати бўйича), у бошқа кишини ёки қариндошини чақириши керак (ижтимоий таъминот ва алоқа бўлими ходимларидан ташқари). У пул олишга қўл қўяди ва ўз паспортининг рақами, серияси, ким томондан ва қачон берилганлигини кўрсатади. Почтачи бу маълумотларни кўрсатилган ҳужжат билан солиштириб текширади.

**ПЕНСИЯНИ ИШОНЧНОМА (ВАКОЛАТНОМА) АСОСИДА ТЎЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛАДИМИ?**

Пенсионер, нафақа олиш ваколатини бошқа кишига ишонч қоғози орқали бериш мумкин, бунда ишончнома нотариал тартибда ё қишлоқ (овул) фуқаролари йиғинида ёки ишончномани берган пенсионер даволанаётган даволаш муассасалари томонидан тасдиқланиши керак.

Пенсия ишончнома бўйича унда кўрсатилган муддат ичида, бироқ бир йилдан ортиқ бўлмаган муддат ичида тўланади. Агар ишончномада муддат кўрсатилмаган бўлса, у ўз кучини бир йил давомида сақлайди.

Ишончнома бўйича нафақалар унда кўрсатилган муддат давомида, бироқ фақат ишончнома берилган календар йил ичида берилади.

Янгиланадиган ишончнома бўйича пенсия, нафақа олувчининг доимий яшаш жойида бўлмаган барча вақтлари учун ёки унинг даволаш муассасасида бўлган вақтида тўланиши мумкин.

Биринчи пенсия суммаси тўлангандан кейин ишончнома олиб қўйилади ва алоқа бўлимида алоҳида тартибда сақланади.

Пенсия, нафақани ишончнома билан берганда почтачи (оператор) унинг тўғри расмийлаштирилганлигини текширади. Пенсия ёки нафақани ишончнома билан олувчи шахс топшириқномага ўзининг паспорт маълумотларини(серияси ва рақами, ким томонидан ва қачон берилгани) кўрсатади ва тегишли ойга пул олганлигига имзс қўяди.

Пенсия ва нафақани ижтимоий таъминот ва почта алоқаси ходимлари номига берилган ишончнома бўйича тўлаш қатъиян тақиқланади.

**ИШЛАБ ТУРГАН ПЕНСИОНЕРЛАРГА ПЕНСИЯ ТЎЛАШ ТАРТИБИ**

Ишлаб турган пенсионерларга ёшга доир пенсия уларнинг иш жойида, қойда тариқасида тайинланган пенсиянинг 50 фоизи миқдорида тўланади.

Ўриндошлик асосида ишловчи шахсларга асосий иш жойида пенсия тўланади.

Ишловчи пенсионерларга пенсия ижтимоий суғурта бадаллари ҳисобидан, ўтган ой учун ойнинг иккинчи ярмига тўланадиган иш ҳақи билан бир вақтда алоҳида тўлов ведомости билан тўланади.

**ЮРИДИК ШАХС ТАШКИЛ ЭТМАГАН ҲОЛДАГИ ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ АЪЗОЛАРИ ВА ЯККА ТАДБИРКОРЛАРГА ПЕНСИЯ ҚАЕРДА ТЎЛАНАДИ?**

Бундай шахсларга пенсия унинг 50 фоизи миқдорида (агар 100 фоиз пенсия олишга ҳақли пенсионерлар тоифасига мансуб бўлмасалар) уларнинг яшаб турган жойларидаги ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тўланади.

## БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ





# ТАЪТИЛ ДАВРИ УЧУН ТЎЛАНАДИГАН ҲАҚ

### Саволингизга ЎзКУФКнинг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуджон ИСАЕВ жавоб беради

**САВОЛ:** ***Меҳнат таътилига чиқаётган ходимга таътил даври учун тўланадиган ҳақни ҳисоблаб чиқишда иш ҳақи сифатида тўланадиган барча тўловлар ҳисобга олинадими?***

**Эштемир АШУРОВ,**
**Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Узун туман қўмитаси раиси.**

**ЖАВОБ:** Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш Тартиби»га биноан таътиллар вақтига ҳақ тўлаш мақсадида ўртача ойлик иш ҳақини аниқлаш учун ҳисоблаб чиқариш кунидаги тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маоши асос қилиб олинади. Бунга ҳисоблаш даврида тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан ошган миқдорининг (яъни ишбай асосида ишлаб топилган қўшимча иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, иш ҳақига қўшимча ҳақлар ва ижтимоий суғурта бўйича бадаллар ҳисобланадиган бошқа тўловларнинг) ўн иккидан бири (олти ой тўлиқ ишлаганларга олтидан бири; етти ой тўлиқ ишлаганларга еттидан бири ва ҳоказолар; ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқитувчилари учун ўндан бири) қўшилади.

Ижтимоий суғурта бўйича бадаллар ҳисобланмайдиган тўловлар Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан қабул қилинган ва Адлия вазирлигида 2001 йил 16 мартда 1018 рақам билан рўйхатга олинган Йўриқноманинг биринчи иловасида келтирилган. Бу қуйидаги тўловлар:

1. Ишлатилмаган таътил учун компенсация.
2. Ишдан бўшатиш нафақаси.
3. Моддий ёрдам тарзида тўланадиган ҳар хил пуллик тўловлар.
4. Компенсация тўловлари (хизмат сафари бўйича суткалик харажат пуллари ёки суткалик харажат пуллари ўрнига бериладиган тўловлар, ходимлар саломатлигига меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланишини қоплаш тўловлари).
5. Ходимларнинг айрим тоифаларига бепул бериладиган уй-жой, коммунал хизматлари, ёнилғи, йўл чипталари нархи ёки уларни қоплаш қийматлари.
6. Ходимга берилган махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибдаги ҳимоя воситалари, сут ва даволаш-профилактика озиқ-овқат махсулотлари қийматлари.
7. Бепул овқатланиш қиймати.
8. Овқатланиш учун дотациялар, санаторий-курортларда даволанишга ва дам олиш уйларига йўлланмалар қиймати, турғун ва амбулатория даволаниш харажатлари.
9. Бошқа ҳудудга ишлаш учун кўчиб ўтиш билан боғлиқ йўлкира, мол-мулкни олиб бориш, уй-жойни ижарага олиш харажатларини қоплаш.
10. Доимий иш йўлда ёки кўчиб юриш, шунингдек хизмат юзасидан юриш билан боғлиқ бўлганда суткалик харажат пуллари ўрнига иш ҳақига тўланадиган қўшимча ва устамалар.
11. Тегишли бюджет ёки хайрия жамғармаларига ўтказиладиган ҳақ тўланмайдиган иш кунларидаги (шанбаликлар ва ҳоказо) меҳнат учун иш ҳақи.
12. Юбилей саналари, туғилган кунлар, кўп йиллик ва ҳалол меҳнат фаолияти, жамоат ишларидаги фаоллиги ва бошқа шунга ўхшаш ҳолларда иш ҳақи фонди (меҳнатга ҳақ тўлаш фонди) ҳисобидан амалга ошириладиган рағбатлантириш тўловлари (мукофотлар).
13. Мусобақалар, кўриклар, танловлардаги совринли ўринлар учун берилган пуллик мукофотлар.
14. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқишга юборилган ўқувчиларга корхона ва ташкилотлар томонидан тўланадиган стипендиялар.
15. Олий ёки ўрта махсус билим юртини битиргандан сўнг берилган таътил учун ёш мутахассисларга корхона, муассаса, ташкилот ҳисобидан тўланадиган ёрдам пуллари.
16. Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар, ишсизлик бўйича нафақалар, ижтимоий нафақа ва пенсиялар.





Пойтахтимизнинг Миробод туманида 4-жамланма қурилиш бунёдкорлари томонидан 20 хонадонга мўлжалланган кўп қаватли бино жадал суръатлар билан қад ростламоқда. Ҳозирда қурилишда 90 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Иш унумининг юқори бўлишини таъминлаш мақсадида ишчиларга барча шарт-шароитлар яратилган.

***Суратларда: қурилишдан лавҳалар.***

**Ғ.ХИДИРОВ олган суратлар.**

**ОЛДИНДА СИНОВЛАР**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида 2002-2003 ўқув йили учун қабул давом этмоқда.

Академияга қабул қилиш шартлари икки босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқичда касбий билимлар, яъни "Давлат ва ҳуқуқ асослари"фани бўйича суҳбат ўтказилади. Шунингдек, абитуриентлар жисмоний синовдан ўтказилади. Иккинчи асосий босқич барча олий ўқув юртларида бўлгани каби 1 августда ўтказиладиган тест синовларидир. Жорий йилда мазкур ўқув даргоҳи 650 нафар тингловчини қабул қилади. Ҳисоб-китобларга қараганда, шу кунга қадар 2000 дан зиёд ҳужжатлар қабул қилинди.

Кўриниб турибдики, олдинда абитуриентларни катта рақобат кутмоқда. Ҳозирда академияда ўқишга кириш шартлари бўйича суҳбатлар ўтказилиб, абитурентлар ва уларнинг ота-оналарига етарли даражада маълумот берилмоқда.

# МЎЙНОҚҚА ОБИҲАЁТ КЕЛДИ

### ёхуд Оролбўйи аҳолисига умид улашаётган кишилар ҳақида

*(Боши 1-бетда)*

Оспан оға билан суҳбатлашгач, жуда кўп маълумотларни билиб олдик. Бу лойиҳани ўрганиш, тадқиқ қилиш ва амалга оширишга 1998 йили киришилган бўлиб, у жами 7 та иншоотдан иборат экан. Умумий қиймати 3 миллион АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳани амалга ошириш ҳуқуқини халқаро тендер танловида Хитой Республикаси миллий сув ресурслари 3-муҳандислик корпорацияси «CWHEC» қўлга киритибди. Ҳозир шулар бу ерда иш олиб бораётган экан.

Замонавий техника ва механизмларни моҳирлик билан бошқараётган қорақалпоғистонлик йигитларни кўриб, рости, фахрландик. Бош пудратчи - «Оролсувқурилиши» акционерлар жамияти ассоциациясига қарашли «Қўнғиротсувқурилиши» очиқ турдаги акционерлик жамияти бунёдкорлари эса ишнинг сифатини таъминламоқда. Лойиҳа тизимидаги ушбу дастлабки иншоотнинг баҳоси 276 минг АҚШ долларига тенг экан. Ўтган йилнинг август ойида иш бошлаган 50 дан ортиқ қурувчи иншоотни Мустақиллик байрамигача фойдаланишга топширишни мўлжаллаб меҳнат қиляпти. Қурилма ишга тушгач, ҳар йили камида 300 миллион кубометр тоза сувни кўлга қуйиш имкони туғилади.

Қурувчилар билан «Равшан» канали бўйидаги дарахтлар соясида гурунглашдик. Уббиниёз оға Аширбеков лойиҳанинг асл моҳияти ҳақида гапириб берди.

- Орол ўз қирғоқларидан 200 чақиримгача чекиниб кетди,- дейди у. - Амударёдан келаётган сувнинг денгизга етиб бориши амри маҳол. Сув қумга сингиб кетаверади. Шунинг учун Амударёнинг чап қирғоғида 44 минг ҳамда Мўйноқ яқинида 60 минг гектарга яқин майдондаги кўлларни сувга тўлдириб, сунъий денгиз яратишга аҳд қилдик. Худди ана шу йўл билангина Оролбўйида экологик вазиятни енгиллаштириш, иқлим шароитини яхшилаш мумкин. Кўлларда сувни сақлаб туриш учун эса тўсиқлар қурилмоқда. Пайдо бўлган денгизда одамлар баликчилик қилишади. Сув бўлгач, яйловлар пайдо бўлади, чорвачилик ривожлантирилади. Хуллас, одамлар ўз тирикчилигини ўтказади. Беш йил мобайнида лойиҳа кутилган натижани берса, уни Сирдарёнинг қуйи қисмида ҳам қўллаш кўзда тутилмоқда.

Қора қумғонда қайнаган чойдан мириқиб ичгач, қурувчиларнинг ишларига омад тилаб яна изимизга қайтдик. Қўнғирот-Мўйноқ автотрассаси билан Орол томонга йўл олдик. «Қоражар» овулига етиб келгач, чапга - Устюрт тоғи томон қайрилдик. Овулда йигирмага яқин оила истиқомат қиларкан. Бу ерда одамлар асосан чорвачилик билан кун кечиришади.

Кўз илғамас кенгликлар сукунатини бузган машиналар кўтарган чанг иссиқ ҳавода муаллақ туриб қолади. Олисда Устюрт тоғи тизмаси қорайиб кўринади.

...Хитойлик мутахассислар билан ҳамкорликда қурилаётган Қоражар-Оққум-Урга-Устюрт йўналиши бўйлаб 37 километр масофага чўзилган тупроқ дамба устидан борарканмиз, қип-қизил саҳро ўрнида қачонлардир мавж урган денгиз бўлганига ишонмайди, киши. Устюрт қўлтиғига етиб келганимизда қуёш тикка келиб, унинг тафтидан нафас олиш жуда қийин бўлиб қолганди. Соялаш учун ҳатто саксовул ҳам йўқлигидан ўзимизни қўярга жой тополмай қолдик. Кўққисдан эсган кучли шамол чанг-тўзон кўтариб, атрофда ҳеч нарсани кўриб бўлмай қолди. Сал ўтмай шамол тиниб, чанг-тўзон босилди. Аста-секин қурувчилар томонга юрдик.

- Чўлнинг табиати шунақа бўлади,- деди Уббиниёз оға кулиб. - Мана шундай шароитда меҳнат қилаётган кишиларни ўз кўзингиз билан кўриб, улар ҳақида ёзганингиз бошқача чиқади, менимча.

Дарҳақиқат, шундай оғир шароитда - чўл қўйнида ишлаётган йигитларнинг матонатига қойил қолмасдан ўзга чора йўқ эди.

- Ўтган йилнинг август ойидан бери шу ерда ишлаяпмиз,- дейди Қўнғирот туманидаги қурилиш бошқармасига қарашли 3-қурилиш участкаси бошлиғи Қуролбой Жуманов. - Саҳро қилиқларига кўникиб ҳам кетдик. Қиш изғирини, баҳорнинг кучли шамоли, ёзнинг иссиқ гармсели ишимизни бир зумга ҳам тўхтата олмади...

Шундоқгина Устюрт тоғи қўлтиғида, бепоён чўл қўйнида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганини кўриб турардик. Бу ерда замонавий лойиҳа бўйича улкан сув ўтказгич қурилаяпти. Иншоот Судочье кўли сув сатҳини доимо бир хилда сақлаб туришга хизмат қилади. Қурилишда 40 дан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Улар Қорақалпоғистоннинг ҳар қаеридан - Қўнғирот, Халқобод, Кегейли, Нукусдан келишган. Сапаргелди Мамбеткаримов, Ўмирбой Пиралиев, Павел Панин, Ўринбой Изенов сингари оловқалб, толмас йигитларнинг меҳнатига тасаннолар айтдик. Чўл шароитида тобланиб, шамол ва офтобдан юзлари қорайган, қўллари чайир йигитлар бир зум тиним билишмаяпти.

- Кўлга сув тушиб бошлаган, ишни тезлатмасак ғафлатда қоламиз,- дейди бизга ҳамроҳлик қилаётган Оспан оға Қаримсақов. - Иншоотни мамлакатимиз мустақиллигининг ўн бир йиллик байрамигача, тўғрироғи, август ойида фойдаланишга топшириш мўлжалланган. Шу ойдаёқ барча ишни тугатамиз. Ушбу сув ўтказгич орқали ортиқча сув Оролга қуйиб юборилаверади. Натижада бу ерларда - 10 минг гектар майдонда яйлов ҳосил қилиш имконияти туғилади.

Матонатли қурувчилар билан хайрлашиб, навбатдаги манзилга йўл олдик.

Мўйноқ яқинида Амударёнинг ўзани темир-бетон билан тўсилиб, унинг суви атрофдаги кўлларга юборилмоқда. Натижада, жуда катта майдонда - 40 минг гектар ерда сунъий денгиз ҳосил бўлган. «Қизилжар», «Шеге», «Шағирли», Закиркўл, Пўрлитов овулларида яшовчи аҳолининг қувончи чексиз. Кўпдан буён сув кўрмаган қайиқлар яна сувга туширилган...

- Сув келиб, юртимизга қайта ҳаёт ато этилгандек бўлди, - дейди Мўйноқ тумани ҳокими Жарлиқап Турсунбеков. - Бу ерларда яшаган одамлар асрлар давомида сув билан тирикчилик қилиб келган. Балиқчиликдан бошқа касбни билмайди бизнинг одамлар. Қурғоқчилик туфайли Пўрлитов овулида «Амударё» масъулияти чекланган жамиятга қарашли балиқ инкубатори икки йилдан бери фаолият кўрсатмаяпти. Бу цехда олдинлари йилига 5-6 миллион донагача балиқчалар етиштирилиб, кўлларга қуйиб юбориларди. Кузга бориб уларнинг иши қайта жонланишига умид қиляпмиз.

...Мўйноққа обиҳаёт келди. У билан бирга эртанги кунга умид келди. Яқиндагина қақраб ётган кўллар ўрнида мавжланиб, майин шабадада тўлқинлари қирғоққа урилаётган денгиз пайдо бўлди. Сув юзида уфққа бош қўяётган қуёшнинг шуълалари жилоланади, жимирлаб турган нурли йўлакча эртанги нурафшон кунларга чорлаётгандай гўё.

**А.ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**



Қарши шаҳрида каратэ бўйича вилоят ҳокими кубоги учун учинчи анъанавий турнир бўлиб ўтди. Мусобақаларда мамлакатимизнинг деярли барча вилоятларидан 700 нафарга яқин ёш каратэчилар совринли ўринлар учун кураш олиб боришди.

Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни мезбонлар — «Қарши» каратэ клуби вакиллари қўлга киритишди. Кейинги ўринлар Тошкент шаҳрининг «Алпомиш» ва «Билол» клубларига насиб этди.

***Суратларда: турнирдан лавҳалар.***

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.**



## ТОҒ-БОТАНИКА СТАЦИОНАРИ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш маркази жойларда ўзининг бир неча тажриба хўжалиги ҳамда стационарларига эга. Бўстонлиқ тоғ-ботаника стационари катта майдонни ишғол қилади.

Мутахассисларнинг шу ҳудуд бўйича олиб бораётган илмий кузатишлари ҳам кутилган натижаларни бермоқда. Бурчмулло ўрмон хўжалиги ва тажриба майдонларидаги табиий ёнғоқзорлар ҳамда мевали дарахтларнинг ўсимликлар қопламини ўрганиш эса йирик тадқиқот мавзусига айланди.

Пском дарёсининг қуйи ва ўрта оқимидаги ўсимликлар намуналари ҳам атрофлича ўрганилди ҳамда улар маълум эколого-фитоценотик гуруҳларга мансублиги аниқланди. Бу изланишлар геоботаник йўналишда олиб борилди. Бундан ташқари, доимий кузатиш майдонларидаги ёнғоқзорлар, аралаш мевали дарахтзорлар ва сийрак арчазорларга антропоген омилларнинг таъсири тадқиқ қилинмоқда. Бу кузатишлар ҳам Бўстонлиқ тоғ-ботаника ҳудуди бой имкониятларга эга эканлигини исботлади.

***Ахматхон Убайдуллаев - Наманган вилояти давлат архивининг услубчиси. Кўп қиррали ижодкор. Мавзу танлаб ўтирмайди. Инсон қалбини жунбушга келтирадиган, фикр-мушоҳадага чорлайдиган воқеа-ҳодиса борки, қаламга олишга интилади. У кўрик-танловга тақдим этган мақолаларнинг ранг-баранглиги ҳам аслида шундан: ривояту ҳикоятлардан қилинган таржима дейсизми, маънавият, аҳлоқ-одоб ҳақидаги қарашлар дейсизми, илмий-тарихий мавзудаги чиқишлар дейсизми, барини топасиз.***

***Қуйида муаллифнинг «Маънавият» туркумидан «Жон дўстинг бошқа-ю...» сарлавҳали мақоласини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.***

## Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофоти лауреатлари



# ЖОН ДЎСТИНГ БОШҚА-Ю...

Ҳаётда яшаётган ҳар бир инсоннинг дўсти бор, биродари, таниш-билиши, ошна-оғайниси бор. Дўстлик туйғуси инсон ҳаётида ниҳоятда улкан аҳамиятга эга бўлиб, табиати бир-бирига мос тушадиган икки инсоннинг иноқлигини, тотувлигини ва дили яқинлигини ифода этади.

Дарҳақиқат, тирик инсон дўстсиз бўлмайди. Дўстсиз инсон бепоён ўрмоннинг бир чеккасида ўсган ёлғиз дарахтга ўхшайди. Шунинг учун ҳар бир киши ўз дўстини топиши, дўсти ҳақида қайғуриши, уни ёд этиши лозим. Кимки, дўстларини ёд қилмаса, дўстлари ҳам уни эсламайдилар, оқибатда дўстлик ришталари узилиб кетади.

Ҳамиша дўст тутмоқни одат қилиш керак. Чунки кишининг дўсти кўп бўлса, фазилати кўпаяди. Аммо янги дўстни топганда эски дўстдан кечмаслик, ундан юз ўгирмаслик керак. Бу ҳақда ҳикматларда «Нарсаларнинг янгиси, дўстларнинг эскиси яхши» дейилган.

Дўстларнинг кўпи яхши, аммо ана шу дўстларнинг орасида жон дўсти билан бир қаторда иш дўсти — мунофиқ дўст ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун мавжуд бўлган дўстларнинг орасидан ҳақиқий, садоқатли жон дўстларни ажратиб олиш ва улар билан дўстлик ришталарини абадий мустаҳкамлаш лозим.

Атрофимизда шундай одамлар борки, шахсий манфаатлари илинжида ўзларини дўст қилиб кўрсатадилар. Мақсадларига етгач эса осонгина юз ўгириб кетадилар ва сенинг шаънингга ҳар хил иғво-бўҳтонларни айтиб юрадилар. Бундай дўстларнинг тили бошқаю дили бошқа бўлади.

Яна бир тоифа - мол дўсти деб аталувчи дўстлар борки, бундай дўстлар мол-дунёга ёки катта мансабга эришган пайтингда сен билан дўстлашадилар. Бу тоифадаги дўстлар аслида сен учун эмас, молу дунёйинг ва эгаллаб турган амалинг учун дўстлик қиладилар.

Ривоят қилишларига қараганда, шаҳзодалардан бири ниҳоятда маишатпараст ва айшу ишратга берилиб кетган бўлиб, умуман давлат ишларидан четда эди. Отасининг вафотидан сўнг мамлакатни идора қилишни унутиб, маишатпарастлик билан кун кечиришни давом эттирди. Сал кунда хазинадаги ҳамма маблағнинг кулини кўкка совурди. Бу воқеадан хабардор бўлган шаҳзоданинг бир қариндоши вазиятдан фойдаланиб, мамлакатни босиб олди ва идора қила бошлади.

Подшоҳликка иштиёқи йўқ шаҳзода бу ишга парво қилмай, тожу тахтни шундай топширди-да, яна ўзининг улфатлари билан аввалгидек айшу ишрат қилиб юраверади. Кунлар кетидан кунлар ўтиб, бор-йўғидан ажралиб, ҳеч ваҳоси қолмади. Шу кундан эътиборан шаҳзоданинг эски ёр-дўстлари ундан узоқлаша бошладилар. Дўстларининг бирортаси ундан хабар олмади. Аксинча, ҳаммаси ундан юз ўгирди. Натижада шаҳзода ёлғизланиб қолди. Бечора нима қилишни билмай, ҳар куни бозор бошига чиқиб ўтирар, отасининг ғуломларидан бири унинг қорнини тўйғизиб қўярди.

Бир куни кўчага чиқиб ўтирган эди, эски маишатпараст дўстларидан бир гуруҳи уни масхара қилиш мақсадида олдига келишди.

— Юр, бир айланиб, мазза қилиб дам олиб келамиз, - деб уни таклиф қилишди. Шаҳзода уларнинг таклифини қабул қилиб, бирга кетди. Улар боққа бориб, сайру томоша қилишди, ошпазга овқат буюришди. Ошпаз ўчоққа ўт ёқиб, қозонга гўшт солди.

Ҳамма кайфу сафога берилиб кетди. Шу пайт, қаердандир ит пайдо бўлиб, қозондаги гўштни илиб кетди. Бир маҳал қарашса, қозонда гўшт йўқ эмиш. Бу фақат шаҳзоданинг қилган иши, чунки, у бир неча кундан бери гўшт таъмини татимагани учун сабри чидамай, бизнинг кўзимизни шамғалат қилиб, гўштни беркитиб келган, дейишибди унинг улфатлари.

Умрида бундай гапларни эшитмаган шаҳзоданинг кўнгли бўлмағур маломатлардан ниҳоятда ранжиди ва гўштни мен еганим йўқ, деб қасам ичса ҳам барибир ишонмай, уни калака қилишда давом этдилар.

Бечора шаҳзода иғво-бўҳтонларни кўтаролмай хаёли паришон бўлиб, улар даврасидан чиқиб кетди ва бир чеккага бориб, хўрлиги келиб юм-юм йиғлади.

Шаҳзоданинг аянчли аҳволи тўғрисида уни ёшлик даврида боқиб катта қилган энагасига хабар етиб борди. Энага шошганича шаҳзоданинг олдига келди-да, ширин сўзлар билан кўнглини кўтарди.

Шаҳзода бўлиб ўтган воқеаларни энагасига сўзлаб берди. Кампир унинг аҳволига жуда ачинди ва отасининг муҳри босилган бир харитани олиб келиб, унга тутқазиб деди:

— Бир вақтлар отанг: «Боламнинг подшоҳлик қилишига қурби етмайди, бир кун келиб муҳтож бўлиб қолса, шу харитани унга бер»,- деган эди.

Шаҳзода харитани очиб қараса, унинг орасидан учта қоғоз чиқади. Мазкур қоғозларнинг бирида: «Фалон боғнинг бир гўшасида каптархона бор, ўша каптархонага бориб, турган жойингдан фалон томонга қараб етти қадам юргин, саккизинчи қадам остига ўн минг динор кўмиб қўйганман, ўшани олиб эҳтиёжингга сарф қилгин», - дейилган экан. Иккинчи ва учинчи қоғозда «Фалон кишиларга ўн минг динор бериб қўйганман, шу пулларни ўша одамлардан олсанг, умрингнинг охиригача етади, ҳеч кимга муҳтож бўлмай яшайсан», - деб ёзилган экан.

Шаҳзода бу уч қоғозни ўқиб суюниб кетди ва дарҳол боққа бориб, каптархона ёнидан ўн минг динорни, икки кишидан ўн мингдан, жами йигирма минг динорни олди-да, яна илгаригидай айшу ишрат, кайфу сафоларга берилиб юраверди.

Шаҳзоданинг ишлари юришиб кетганидан хабардор бўлган эски жўралари яна хира пашшадек унинг атрофига тўпланиб олишди. Қилмишларига пушаймон бўлиб, ундан узр сўрашди. Яна шаҳзода билан ҳеч нима бўлмагандек апоқ-чапоқ бўлиб кетишди.

Бир куни шаҳзода катта зиёфат ташкил қилиб, унга ўша дўстларини ҳам таклиф этди. Базмда шаҳзода май ичиб бироз сарҳуш бўлгандан сўнг, ўткир олмос билан бир нечта жойи тешиб қўйилган бир тегирмон тошини ўзига яқинроқ жойга келтириб қўйишларини буюриб, ташқарига чиқиб кетди.

— Во ажабо, бу тошни ким тешиб қўйди экан, бунда қандай ҳикмат бор? - деб ҳангу манг бўлиб қолишди улфатлари.

Бу ҳолни узоқдан кузатиб турган шаҳзода қайтиб келди-да, нима гаплигини сўради.

— Бу тегирмон тошни ким тешди экан, деб таажжубланиб ўтирибмиз, - деб жавоб беришди дўстлари.

— Отам замонида, - деб гап бошлади шаҳзода. - Арабистондан бир одам бир қанча чумоли олиб келган экан. Чумолилар тоштешар чумолилар бўлиб, ушбу тешикларни ўшалар тешган экан. Бу уларнинг ҳунари, - деб таъкидлади шаҳзода.

— Шундай бўлиши мумкин. Биз ҳам шунга ўхшаш бир гапни эшитган эдик, - деб жавоб берди унинг дўстлари тилёғламалик билан.

Бу сўзларни эшитган шаҳзода таажжубдан ҳайратга тушди-да, ўзича шундай деди: Субҳоналлоҳ, бир бурда гўшт учун ўша куни чинакамига қасам ичсам ҳам ҳеч қайсиси ишонмаган эди. Ҳозир ҳеч қандай ақлга сиғмайдиган ёлғонни айтганимга қарамай, ҳаммаси тасдиқлаб, тўғри, деб ўтирибди. Демак, буларнинг ҳаммаси фақатгина яхши кунларимда дўстлик қиладиган мунофиқлар экан. Аммо менга ёмон кунларимга ярайдиган, ноним учун эмас, жоним учун дўст бўладиган одамлар керак - деб ҳаммасидан юз ўгирди. Мол дўсти билан жон дўстини ажратиб олди.

Қиссадан ҳисса шуки, ҳар бир киши дўст танлашда адашмаса, аввало синаб кўриб, сўнг дўстлик ришталарини боғласа, афсус-надомат чекиб юрмайди.

**Ахматхон УБАЙДУЛЛАЕВ.**

## ҚОҒОЗ ТЕХНОЛОГИЯСИ ИМКОНИЯТИ

*Жараён*

Мамлакатимизда қоғоз ва қоғоз маҳсулотларини саноат асосида кўплаб ишлаб чиқариш учун катта имкониятлар бор. Республикамизда бу хил маҳсулотни тайёрлаш технологиясини ривожлантириш йўлида кўрилаётган техник тадбирлар кўлами кенгайиб бормоқда.

Соҳани малакали мутахассис кадрлар билан таъминлашда Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти етакчи ўрин тутади. Олий ўқув юртининг «Тўқимачилик материалларини пардозлаш, қоғоз технологияси ва дизайни» кафедраси эса бу ўқув жараёни билан бевосита шуғулланмоқда.

Кафедра томонидан пахта момиғининг муҳим технологик томонлари пухта ўрганилмоқда. Шунингдек, ёғоч, сомон, қамиш каби хомашёлардан целлюлоза тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятларига доир машғулотлар йўлга қўйилган.

Пахта момиғининг физик ва механик хоссаларига таъсир этувчи кимёвий омиллар ҳам сифатли қоғоз ишлаб чиқаришда муҳим ўрин тутади. Бундай технологик жараёнлар бўйича ўқув адабиётлари тайёрланиб, кафедра олимлари томонидан момиқ ажратишнинг кимёвий ва физикавий йўналиши ишлаб чиқилди.

## “ЭСКИ МАЧИТ” БУХОРОДА

Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят мусиқали драма театрида Алишер Навоий достонлари асосида ишланган “Сабъаи сайёр” спектаклининг премьераси бўлиб ўтди.

Спектакл қаршилик режиссёр Авлиёқули Хўжақули ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Исҳоқ Тўраев етакчилигидаги “Эски мачит” студияси ижодий жамоаси томонидан саҳнага олиб чиқилди.

Спектаклни саҳналаштириш лойиҳаси Ўзбекистон – очиқ жамияти институти томонидан маблағлаштирилди. Спектаклда режиссёр оилавий муносабатларнинг янги қирраларини очишга, муҳаббатнинг буюк куч эканлигини таъкидлашга ҳаракат қилади.

Танқидчиларнинг таъкидлашича, спектакл бугунги кун ташвишлари билан югуриб-елиб юрган томошабинларнинг юрагига етиб боради. Айтиш керакки, “Эски мачит” театр-студияси кейинги йилларда Украина, Қирғизистон, Миср, Германия, Польша, Руминия каби шаҳарларда бўлиб, ўзбек театрининг бугунги ютуқларини хориж томошабинларига намойиш этди. Студияда саҳналаштирилган Проспер Мерpermернинг "Аёл ва иблис", Чингиз Айтматовнинг "Найман она нидоси" ва бошқа асарлари нафақат Ўзбекистон, балки хориж томошабинлари томонидан ҳам қизғин кутиб олинди.

**«Туркистон-пресс»**

## АВТОМОБИЛЛАР ТАРИХИДАН

***Ўқинг, қизиқ***

** Жаҳонда биринчи автомобил пойгаси 1894 йилда Парижда бўлиб ўтган. Ўша вақтда соатига 12 километр тезликка эришилган.*

** 1901 йилда бутун дунёда ҳаммаси бўлиб 7100 та автомобил бор эди. Орадан чорак аср ўтгач, машиналар сони 27 миллионга етди.*

** Атомобилни самолёт билан «чатиштириш»га бир неча бор ҳаракат қилинган. Ҳатто Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг Америкадаги компаниялардан бири ўзи учар автомобилларни туркум сифатида ишлаб чиқаришга ҳаракат қилган.*

** Ўзбекистонда илк автомобиллар 1902 йилда пайдо бўлган. Шундан сўнг тўрт йил ўтгач, Скобелев-Ғорачкова, яъни ҳозирги Фарғона-Марғилон йўналиши бўйича мунтазам қатновчи автобус ҳаракати йўлга қўйилган.*

** 1910 йилга келибгина биринчи автобуслар Тошкент шаҳрига кириб келган.*

** Туркистонда автобусларнинг шаҳарлараро йўналиши бўйича мунтазам ҳаракат Москва, ҳатто Санкт-Петербургдан аввалроқ йўлга қўйилган.*

**А. АЛИЕВ.**



***Дўстлик туманидаги Мамажон Дадажонов номли 4-умумтаълим мактабида амалга оширилаётган ишлар ҳар жиҳатдан ибратлидир. Айниқса, мактаб ўзини ўзи маблағ билан таъминлаши ҳамда спорт соҳасида эришаётган ютуқлари мақтовга сазовордир. Бозор шароити уларни изланишга, бюджетдан ташқари қўшимча маблағ топишга, шу орқали спортни ривожлантиришга ундамоқда.***

*Ибрат*

# МИЛЛИОНЕР МАКТАБ

Мана ўн йилдирки, мактаб жамоаси ўз ёрдамчи хўжалигига эга. Ҳар йили пахта, ғалла экиб, юқори ҳосил етиштириб келаяпти. Натижада йилдан йилга даромад кенгайиб, миллионер мактабга айланиб бормоқда. Даромад мактабни таъмирлаш, ўқитувчи ва ўқувчиларни моддий рағбатлантиришга сарфланяпти. Ўқитувчиларга ҳар йили сиҳатгоҳларда даволанишлари учун бепул йўлланма ажратилмоқда. Кам таъминланган оилалар фарзандлари бепул дарсликлар, кийим-бош, спорт кийимлари билан таъминланган. Мусобақа ва тўгарак қатнашчиларига ҳам бепул спорт кийимлари ва анжомлари олиб берилди. Шунингдек, ўтган йили 680 килограмм ўсимлик ёғи, 2100 килограмм ем, 2800 килограмм пахта чиқиндиси олиниб, ўқитувчиларга бепул тарқатилди. Мактаб эҳтиёжи учун 61 минг сўмлик бадиий китоблар, дарсликлар, услубий қўлланмалар, 30 минг сўмлик спорт анжомлари, 33 минг сўмлик турли жиҳозлар, 3 та видеожуфтлик харид қилинди.

— Мактабни оталиқ ташкилотимиз - «Халқобод» ширкат хўжалиги кўмагида ҳамда ўз маблағимиз ҳисобига таъмирлаяпмиз ва жиҳозлаяпмиз, - дейди мактаб директори Мурод Нурқобилов. — Стол-стуллар, сунъий гуллар, 180 минг сўмлик турли рангдаги бўёқлар сотиб олинди. Спорт зали, футбол майдони, волейбол, баскетбол майдончалари мавжуд. Айниқса, оғир атлетика билан шуғулланиш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Республика таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси томонидан мактабнинг «Орзу» жамоаси аъзоларига, яъни 25 ўқувчига энг сўлим оромгоҳлардан бирида дам олиш учун йўлланма ажратилганлиги ҳам бу ерда амалга оширилаётган ишлар эътирофи дейиш мумкин.

Мактабнинг собиқ битирувчилари Абдулла Қорабоев самбо, Шокир Қурбонов миллий кураш бўйича республика чемпионлари бўлишган. Абдулла Қуванов ўқувчилар ўртасида ўтказилган республика «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида иштирок этиб, олтин медал соҳиби бўлди. Волейбол, енгил атлетика, футбол, шахмат-шашка турлари яхши ривожланмоқда. Самбо ва миллий кураш бўйича ташкил қилинган тўгараклар, айниқса, самарали фаолият кўрсатмоқда.

**И.БЎРИЕВ.**

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширди - 22.20

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 619. 1 2 3 4 5 6